



**BUYRUQ
ПРИКАЗ**

« 04 » 08 2021 yil

№ 238

Toshkent sh.

**Харид қилиш тартиб-таомилини
мувофיקлаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, Жамиятда товар, иш ва хизматларни амалга ошириш жараёнини тартибга солиш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. “Ўзбекистон МЭТ” АЖда харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низоми (кейинги ўринда - Низом) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамиятда харид қилиш тартиб-таомилини амалга ошириш учун Харид комиссияси (кейинги ўринда - Комиссия) 2-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

3. Комиссия (Элмуродов)га:

3.1 Комиссияга киритилган таклифларни кўриб чиқишни Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни ва харид қилиш тартиб-таомили билан боғлиқ бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда Низом талабларига кўра амалга ошириш;

3.2 ўз фаолиятида молиявий ресурслардан фойдаланишда касбий маҳорат ва масъулиятлилик, асосланганлик, молиявий маблағлардан оқилона фойдаланиш, тежамкорлик, самарадорлик, очиқлик ва шаффофлик, рақобат ва холислик, мутаносиблик, харидлар тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги ҳамда коррупцияга йўл қўймаслик асосида амалга ошириш;

3.3 зарур ҳолларда экспертларни (хулоса бериш учун махсус билимга эга бўлган шахсларни), шу жумладан, жамият ходимларини эксперт амалий ёрдамини кўрсатиш бўйича Комиссиянинг таклифларини кўриб чиқишда иштирок этиш учун жалб қилинсин.

4. Жамиятнинг барча бошқарма, бўлим, хизмат, филиаллар ва таркибий бўлинмалари раҳбарларига:

4.1 техник топшириқларни умумлаштириш ва Комиссияга киритиш учун зарур эҳтиёжли товарларнинг (ишлар, хизматлар) техник топшириқларини Низомга катъий амал қилинган ҳолда тўлиқ равишда Харидлар, маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларини кенгайтириш бошқармасига киритилсин;

4.2. товарларни (ишларни, хизматларни) харид қилиш учун мурожаатларни тақдим этувчи бош бошқарма, бошқарма, бўлим, хизмат ва таркибий бўлинмалар, Комиссия томонидан таклифларни кўриб чиқиш жараёнида тегишли мутахассислар иштирок этиш учун жалб қилинсин;

4.3 товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқарувчи ва етказиб берувчи (хизмат кўрсатувчи)лардан қабул қилиб олиш жараёнида тегишлилиги бўйича мутахассисларни жалб қилиш таъминлансин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш ўз зиммамда қолдираман.

Бошқарув раиси



Д. Исакулов

Тарқатилди: 1-10 рўйхат бўйича.

Бажарувчи:


Тел: 228-34




(Қурбонов)




(Аширбаев)



(Махмудов)



(Зиётов)



(Ахмедов)




(Ахмедов)




(Сираджев)




(Мирзеев)




(Артиков)




(Бегмиев)




(Элмуродов)



(Абдухалимов)



(Лукманов)



(Норминов)



(Юсупов)

Харид комиссияси аъзоларининг доимий таркиби

1	Х.Б.Элмуродов	Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари, <i>Комиссия раиси</i>
2	С.С.Артиков	Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари, <i>Комиссия раиси ўринбосари</i>
Комиссия аъзолари:		
3	Ж.Т. Аширбоев	Бошқарув раиси ўринбосари
4	Ф.М. Қурбонов	Бошқарув раиси ўринбосари
5	Б.Н. Ахмедов	Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси бошлиғи
6	А.З. Сираджев	Капитал қурилиш, смета ва лойиҳаларни экспертиза қилиш бошқармаси бошлиғи
7	А.Т.Мирзаев	Тизим хизматлари бўйича бош бошқармаси бошлиғи
8	И.М. Бегалиев	Магистрал электр тармоқларидан фойдаланиш ва стратегик ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи
9	Н.М.Махмудов	Электр энергиясини харид қилиш ва сотиш бош бошқармаси
10	Ф.Б.Юнусхўжаев	Инвестицияларни жалб қилиш ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бошқармаси бошлиғи
11	Ш.С.Кулибаев	Электр тармоқларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи
12	С.Ф.Хайдаров	Хавфсизлик ва махсус ишлар бошқармаси
13	З.Д.Жўраев	Стратегик ривожлантириш ва стандартлаштириш бошқармаси
14	А.Ю.Тавчиев	Харидлар, маҳаллийлаштириш ва кооперация алоқаларни кенгайтириш бошқармаси бошлиғи в.в.б
15	А.У.Зиётов	Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи ўринбосари
16	М.Р.Лукманов	Марказий релели ҳимоя ва электр автоматикаси хизмати бошлиғи
17	З.И.Атаев	Мустаҳкамлик ва хавфсизлик техникаси хизмати
	Ш.Р.Турсунова	Комиссия котиби (<i>Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган</i>)

Изоҳ: Харид комиссия аъзоси эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган тақдирда унинг лавозимига янги тайинланган ёки вақтинча вазифасини бажарувчи ходим комиссия аъзоси ҳисобланади.

“Ўзбекистон МЭТ” АЖнинг
2021 йил “04” 08 даги
238 -сонли буйруғига 1- илова

“Ўзбекистон МЭТ” АЖда Харид қилиш тартиб-таомилларини
ташқил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

ТОШКЕНТ – 2021 йил